

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси томонидан январь-май ойларида амалга оширилган ишлар тўғрисида

АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ–141-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижроси бўйича **Комплекс чора-тадбирлар режаси** амалга оширилмоқда.

Академия фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида **55 та** ички меъёрий ҳужжатлар янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Академиянинг фаолияти тўлиқ рақамлаштирилиб **“Рақамли академия”** электрон платформаси ишлаб чиқилиб ишга туширилди.

Академия Кенгашининг **19 нафардан** иборат янги таркиби томонидан **2026 йилнинг январь–май ойларида 3 та** йиғилиш ўтказилиб, унда **37 та** масала кўриб чиқилиб, ижроси таъминланди.

Академия **20 дан** ортиқ маҳаллий ҳамда халқаро ҳамкор муассасалари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолади.

Академияда 2026-2027 ўқув йили учун Касбий қайта тайёрлаш курсларига **2026 йилнинг 16 май – 5 июнь** кунлари қабул эълон қилинди, айти пайтда қабул давом этмоқда.

Академияда **“Суд фаолияти”** мутахассислиги бўйича магистратура ташкил этилиб, унга қабул қилишни тартибга солувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди ва Қабул комиссияси иш фаолиятини бошлади.

Академияда коррупцияга қарши курашиш ва очиқликни таъминлаш мақсадида **2 та** махсус Telegram-botлари ишга тушурилди.

Чет тилида мулоқот кўникмаларини ривожлантириш мақсадида **Speaking Club** фаолияти ташкил этилди.

Халқаро ҳуқуқ базаларига киришни таъминловчи **“Smart Library” платформаси** ишга туширилиб, жами **36 та** халқаро илмий ва суд амалиёти базасидан бепул фойдаланиш имконияти яратилди.

Академиянинг таълим жараёнларига **Литва** давлатининг эксперти жалб этилди.

Халқаро экспертлар **50 дан** ортиқ ўқув машғулотларини ўтказди.

Академия томонидан рақамли одил судлов, суд-ҳуқуқ таълими ва илғор халқаро тажрибаларга бағишланган икки йирик халқаро тадбир ташкил этилди. Уларда Испания, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия каби давлатлардан **20 нафар** халқаро эксперт иштирок этди.

Март ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда унга тенглаштирилган судларнинг **29 нафар** раислари учун икки кунлик малака ошириш курслари ўтказилди.

Академия томонидан ташкил этиладиган мажбурий курсларда **147 нафар** судья ва суд аппарати ходимлари малака оширди.

Академия томонидан тингловчилар, судья ва суд аппарати ходимлари учун ташкил этилган **10 дан** ортиқ семинар тренингларда **1000 га** яқин иштирокчилар қатнашди.

Апрель ойида 40 нафар суд органлари ахборот хизматлари ходимлари ва судьялар учун махсус икки кунлик ўқув курси ташкил этилди.

Академияда ташкил этилган **“Суд журналистикаси”** махсус ўқув курсини Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг **32 нафар** талабалари муваффақиятли тамомлади.

2025/2026 ўқув йилининг Касбий қайта тайёрлаш курсини 159 нафар битирувчилар муваффақиятли якунлади.

Тингловчиларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида мураккаб мавзулар бўйича **30 дан** ортиқ интенсив ўқув машғулоти, депутатлар, адвокатлар ва прокурорлар иштирокида **24 та** маҳорат дарси, шунингдек, суд амалиёти, суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳамда педагогик маҳоратга оид жами **200 дан** ортиқ амалий ва ўқув тадбирлари ташкил этилди.

Долзарб мавзуларда **30 дан ортиқ** қисқа мuddатли курслар ташкил этилди.

*Мазкур курсларда **60 мингга** яқин “маҳалла еттилиги” аъзолари, судья ва суд аппарати ходимлари қатнашди.*

“Судда иштирокчиларнинг вербал ва новербал хатти-ҳаракатларининг аҳамияти” мавзусида **психологик тренинглар** ташкил этилиб **160 нафар** тингловчининг психологик портрети шакллантирилди.

Суд амалиётининг долзарб масалалари бўйича **32 та илмий-амалий тадбирлар** ўтказилди;

Академия ходимларининг Япония, Туркия, Қозоғистон давлатларига хорижий стажировка ва ташрифлари ташкил этилди.

UNICEF ҳамкорлигида қўшма лойиҳа доирасида **1 та амалий қўлланма** тайёрланди, **30 нафар** судьялар учун халқаро экспертлар иштирокида 3 кунлик тренинглар ўтказилди.

Таълим жараёнини замонавий янги ўқув, ўқув-услубий қўлланмалари билан таъминлаш мақсадида жами **20 та адабиётлар** тайёрланди.

Академия Ахборот ресурс маркази фонди **300 га** яқин янги махсус адабиётлар билан бойитилди.

Академия вакиллари дунёдаги энг нуфузли халқаро илмий-ҳуқуқий ташкилотлардан бири **“International Association of Penal Law”** аъзолигига қабул қилинди.

Таълим ва илмий тадқиқотлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш, ушбу жараёнларга халқаро стандартлар ҳамда инновацион ёндошувларни татбиқ этиш мақсадида **“Академик ҳалоллик ва этик юксалиш кенгаши”** фаолияти йўлга қўйилди

Академияни халқаро рейтингларга киритиш бўйича **“WURI 2026”, “AppliedHE Ranking 2027”** ҳамда **“UI-Greenmetric”** халқаро рейтинг платформаларида профиллари ишга туширилди.

Академия раҳбарияти ва ёшлар учрашуви тадбири ташкил этилиб, **100 га** яқин ёшлар Академия ҳамда соҳа фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Топшириқлар юзасидан **3 та** таҳлилий маълумотнома, **10 та** қонун, **1 та** Президент фармони, **2 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори, **8 та** Олий суд Пленуми қарори лойиҳалари ишлаб чиқилиб, таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларига Академия профессор-ўқитувчилари томонидан тезкорлик билан қисқа ва содда шаклда шарҳлар бериб боровчи **“Sud-huquq 360 Akademiya minbari”** телеграмм каналили жорий қилинди.

Академия ҳузуридаги **“Pro Bono” юридик клиникаси** фаолияти йўлга қўйилиб, аҳолига бепул ва малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилди. Қисқа муддат ичида **33 та** мурожаат қабул қилиниб, уларнинг **32 таси** юзасидан малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Одил судлов соҳасидаги илмий ишланмаларни халқаро илмий ҳамжамиятга тақдим этиш ва илмий салоҳиятни дунё миқёсида тарғиб этиш мақсадида **“International Journal of Justice”** халқаро илмий-амалий электрон журнал таъсис этилди;